

ЭТНОЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ.

Терду проф. С.Турсунов, доц. Т.Пардаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ саммитида сўзлаган нутқида минг йиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисида фикр юритиб, экологияни муҳофаза қилиш ва атроф муҳитни асраб-авайлаш масаласига тўхталиб, Орол фожеасини олдини олиш, Амударё ва Сирдарё сувларини тежаш, табиатни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида тўхталди. Сурхон воҳасига фожеали таъсир кўрсатаётган Тожикистондаги Алюминий заводидан чиқаётган захарли фтор газини тарқалишини олдини олиш муҳим масалалардан бири эканлиги, ҳозирги кунда жаҳон жамоатчилиги диққатида турибди. **Шу туфайли 2010 йил 16-17 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлаётган “Трансграничные экологические проблемы Центральной Азии: применение международных правовых механизмов для их решения” (Марказий Осиёда Трансчегара экологик муаммолари: уни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизми ва уни бартараф этиш вазибалари) мавзусида халқаро анжуман ташкил этилиб, анжуманда Алюминий заводи томонидан тарқатилаётган захарли газларни бартараф этиш масалалари ҳал этилади.**

Халқимизнинг экологияга бўлган муносабати қадимги даврдан бошланиб, табиатни муҳофаза қилиш, асраш бўйича муҳим ахлоқий-тарбиявий ишлар амалга оширилган. Таниқли олим Бекконнинг қайд этишича: “Уч нарса миллатни буюк ва саҳоватли қилади. Ҳосилдор ер, ривожланган чиқитсиз технологияли саноат ҳамда кенг тафаккурли одамлар”. Қадимги аجدодларимиз тупроқни, унинг асоси бўлган табиатни эҳтиёт қилиб сақлаш бўйича жуда катта тажрибага эга бўлиб, этноэкология тарбияга алоҳида эътибор билан қараганлар. Жумладан археологлар мил. авв. II минг йилликларга оид зардуштийлик динининг пайдо бўлишини ҳам Сурхондарё вилояти Шеробод туманида жойлашган Жарқўтон археологик обидаси мисолида тахмин қилдилар. **Зардуштийлик дини одатларига кура тўрт нарса муқаддас ҳисобланган: 1. Сув. 2. Тупроқ. 3. Ҳаво. 4. Олов. Зардуштийлик дини анъаналарига кўра ўлган кишини дафн қилишда ана шу тўрт нарсага қатғиқ амал қилганлар:**

Сувга ташлаш мумкин эмас, чунки сув муқаддас.

Тупроққа кўмиш мумкин эмас, чунки тупроқ муқаддас.

Ҳавога ташлаш мумкин эмас, чунки ҳаво муқаддас.

Оловга ташлаш мумкин эмас, чунки олов муқаддас.

Шунинг учун бу даврда вафот этганларни тоғу тошларга, одам яшамайдиган жойларга олиб бориб махсус даҳмалар устига қўйиб, суяқларини эса махсус идишларга, яъни остадонларга солиб қўйганлар. Қадимги маданиятимизнинг ўзига хос юксак фазилатларини ҳисобга олган ҳолда экологик тарбияни янада юксалтириш учун ташкил этилган

экоҳаракат дастурларини янада мукаммаллаштириш асосида ёш авлод онгига сингдириш ҳозирги даврнинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлоди кулай атроф табиий муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларнинг барча мажмуини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини сўзсиз таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади. Экоҳаракат «Соғлом муҳит — инсон саломатлиги» ғоясини ўзининг асосий шиори ҳисоблаб, уни амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз олдига қуйидаги дастурий вазифаларни қўяди. Атроф муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш. Экоҳаракатнинг асосий эътибори атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг умумий вазифаси бўлиб қолишига йўналтирилади. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузилиши ўнглаб бўлмас экологик ҳалокатларга олиб келади.” Экологик вазият асосий муаммога айланган Сурхондарё вилоятининг аҳолиси 2,300 миллион кишини ташкил этиб, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшаб, жумладан: ўзбеклар 83,6, тожиклар 12,5, руслар 1,2, татарлар 0,4, қozoқлар 0,1 ва 0,9 % бошқа турли хил миллатлардан ташкил топган. Вилоятда 13 та туман, 1 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар, 120 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 847 та қишлоқ аҳоли қўрғони, 691 та маҳалла ва 30 та жамоатчилик асосидаги маҳаллалар мавжуд. Жами фойдаланадиган ер майдони 1476,9 минг гектар.

Этнографик таҳлилларга эътибор берсак, инсон табиатни асровчи, янги тур ўсимликлар дунёсини яратувчи ҳамда уни гуллаб-яшнашига ҳар томонлама ҳисса қўшадиган ақлли мавжудоддир. Швед кимёгари Аррениус 1896 йилда алоҳида башорат қилиб: “Она замин табиатнинг гултожи бўлса, атмосфера ҳавоси унинг ўпкасидир” деб, кўмирдан ёқилғи сифатида фойдаланилиши оқибатида ҳавога чиқарилаётган карбонат ангидридни глобал иссиқсизлик сабабчи бўлишини башорат қилган эди. Этнологик тадқиқотлар натижасида кейинги йилларда инсонни асосий озиқ-овқат билан таъминловчи тупроқ таркибининг озиқа етишмаслиги туфайли кучсизланиб бориб, “Вилоятимиз тупроғи таркибидаги чиринди миқдори сўнгги 25-30 йил давомида кўпаймаган аксинча, 0,35% га, жумладан Қизирикда 0,50, Шеробод, Кумқўрғон ва Термиз туманларида 0,40 % га камайган. Шу ўринда савол туғилади. Уни тиклаш учун қанча вақт керак бўлади? Тасаввур қилинг агар гўнг оборотидаги майдоннинг гектирига ҳар уч йилда 30 тоннадан маҳаллий ўғит солиб борилса тупроқ таркибидаги чиринди миқдори 10 йилда 0,1% га кўпаяди”. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики вилоят ҳудудидаги экин майдонлари тупроқ таркибидаги чириндини кўпайтириш учун ерга маҳаллий ўғит бериш, алмашлаб экиш масаласи етарлича эмас,

фақат пахта ва ғалла билан чегараланиб қолинмоқда афсуски ҳеч бир асоссиз равишда беданинг ушбу тадбирдан чиқиб кетиши ачинарли ҳолдир. Шу ўринда беданинг муҳимлигига тўхталадиган бўлсак. **Биринчидан**- чорва учун энг тўйимли ва ҳосилдор экин. **Иккинчидан**- атмосфера ҳавоси таркибидаги эркин азотни (нитроген, азотабактерин) тупроққа тўплайдиган ва ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилиб берадиган дуккакли ўсимликлар вакили бўлиб, ҳар йили 200-220 кг дан уч йилда 700 кг гача эркин азотни тупроққа ўтказиб беради. **Учинчидан**- шу давр мобайнида тупроққа 15-20 тоннагача органик қолдиқ тўплайди. Натижада тупроқнинг сув, ҳаво, иссиқлик хоссалари яхшиланади. **Тўртинчидан**- ерни, ўсимликларни турли зарарли микроорганизмлар ва касалликлардан ҳалос этади. **Бешинчидан**- беда экилган майдонларда хонқизи, олтинкўз каби фойдали ҳашаротлар табиий ҳолда кўпаяди.

Демак, кишлок хўжалик заракунандаларига қарши табиий тўсиқ ҳосил қилади. Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир деган эди И.А. Каримов. Бугун Сурхондарё бободехқонини ташвишга солаётган энг йирик муаммолардан яна бири суғориш ишларидан нотўғри фойдаланганлиги оқибатида ер ости шўр сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Вилоятимиздаги суғориладиган шўрланган ерларнинг умумий майдони 130 000 гектардан ортиқ бўлиб, жумладан, кам шўрланган ерлар 67668, ўртача шўрланган ерлар 28000, кучли шўрланган ерлар 2950, ўта кучли шўрланган ерлар 1500 гектарни ташкил этади. Айниқса, Музробод, Шеробод, Ангор, Қизирик, Бандихон туманларида турли даражада шўрланган ерларни учратиш мумкин. Бунинг асосий сабаблари ёғингарчиликнинг камлиги, ҳароратнинг юқорилиги, ерларни кўллатиб сувлаш, шўр ювиш тадбирларини етарлича ўтказмаслиги, шўрланишни олдини олувчи очиқ ва ёпиқ захкашларнинг қаровсиз ҳолга келиб қолганлиги ушбу нохуш воқеаларга сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида шўрланган тупроқлар деҳқон учун қуйидаги муаммоларни келтириб чиқаради: Кўплаб ерлар деҳқончилик муомиласидан чиқиб, экин экишга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Фақатгина галофит ўсимликлар ўсиб бошқа маданий ўсимликларни экиш имкони бўлмаганлиги. Кам шўрланган тупроқларда ҳосилнинг 40%, ўртача шўрланган ерларда 60%, кучли шўрланган ерларда 80-100% гача нобуд бўлиши. Шўрланган ерларни тиклаш, яъни рекультивация қилиш катта маблағ талаб қилиши ва ҳоказолар. Юқоридагилардан келиб чиқиб она замин тупроқ экологик муаммоларини олдини олиш мақсадида Х.Зокиров қуйидаги тавсияларни таклиф этади: Маҳаллий органик ўғит сифатида чорва парранда, ўсимлик, чикитларини эски девор, аланг, ариқ, ҳовуз лойқаларини даврий эмас доимий равишда тўплаш ҳар бир хўжалик ҳудудида заруратга қараб ушбу чиқиндилардан компостлар тайёрлаш. Ўрни келганда вилоятимизда бу борада донг таратган меҳнат қаҳрамони Хасан Муҳторов тажрибасига яна мурожаат қилса яхши бўлади. Алмашлаб экишни қайтий йўлга қўйиб пахта, беда, ғалла, макка тизимида ишни ташкил этиш. Бедани салмоғини пахтага нисбатан камида 20-25 % га етказиш. Тупроқ унумдорлиги, чорва маҳсулдорлигини ошириш

мақсадида оралиқ экинлар салмоғини ошириш у чорва молларининг сервитамин, тўйимли озуқа билан таъминлаб қолмасдан тупроқ унумдорлигини ҳам оширишда муҳимдир, яъни гектарига 200-220 кг соф ҳолатдаги азот, 5-7 тонна ер ости илдиз демакдир. Чарлиз Дарвин “Чувалчанг ернинг омочидир” деган эди. Бу дона фикрни таҳлил қиладиган бўлсак, бир гектар табиий жихатдан соғлом тупроқда 1-1,5 млн. гача чувалчанг бўлиб, бу жониворлар ҳар йили 40 тоннагача тупроқни ўз ичакларидан ўтказиб биогумусга айлантириб бориш имкониятига эга. Афсуски, бу қимматли мавжудот далаларимизда ноёблашиб қолганига камида икки чорак аср бўлиб қолди. Шуларни инобатга олиб бу ўта мураккаб бўлмаган чувалчангни кўпайтириш вақти аллақачон етди. Чувалчангдан тайёрланган биогумус тупроқ унумдорлиги, атроф муҳит тозаллиги, чорва ва паррандачилик учун оксилга бой озуқа ем демакдир. Тупроқ шўрланишини олдини олиш мақсадида очиқ ва ёпиқ захкашларни зудлик билан тамирлаш ҳисобидан ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтириш. Тупроқнинг юза қатламларида йиғилган сувда эрийдиган сульфат ва хлорид тузларини камида икки муддатда (декабр, феврал) ювиш. Шўр ювиш тадбирларининг ўтказилиши билан тупроқ юза қатламини буғланишини олдини олиш мақсадида экин далаларини 5-10-15 гектарлик бўлақларга бўлиб-бўлиб дарахт кўчатларини экиш. Аксинча ушбу тадбирларни куруқ гапдан ўтиб амалиётга тадбиқ этмас эканмиз сайёрамиз гултожи она замин “тупроқ” ларимиз бедаво бўлган иккиламчи шўрланиш касалига қаттиқ чалинади, ҳосил бериш бахтидан мутлақо маҳрум бўлади. Бу кўргуликни эса келажак авлодларимиз ҳеч ҳам кечирмайдилар.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятидаги этноэкологик муаммоларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир. Чунки вилоят чўл адир ва тоғларида 4500 турга яқин ноёб ўсимликлар, 15677 турдаги хилма-хил ҳайвонлар ҳаёт кечиради. Булардан ташқари Сурхондарё ўлкасида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг кўламда ривожлантириш ҳамда аҳолининг табиат ноз-неъматларидан тўла фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятлар бор. Шундай экан, имкониятлардан меъёрида, она табиатга зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш, уни келажак авлодларимизга беками кўст қолдириш асосий вазифалардан бири. ТожАЗ Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан 10 км узоқликдаги, Турсунзода шаҳри ҳудудида жойлашган. Алюминий заводи 1975 йилда ишга туширилган бўлиб, технологияси кучли қуйдирилган анодлар билан ишлайдиган электролизерлар ёрдамида фаолият кўрсатади. Қуввати эса йилига 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар водород фториди, олтингугурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксиди ва бошқа заҳарли моддалардан иборат. Бирламчи алюминий ашёсини ҳосил қилиш жараёнида заводда тегишли бирикмаларга фтор моддаси аралаштирилади. Фтор-гологенлар гуруҳига кирадиган ўта актив модда. Табиатда эркин ҳолда учрамайди. Жуда кўп элементлар билан тезда бирикма ҳосил қилади. Фтор актив оксидловчи модда- кислородни тез сиқиб чиқаради. Фтор меъёрдан

ортиши билан катта салбий таъсир кўрсатади. Оч сариқ тусли, ҳиди бадбўй. Заҳарли газ. Қайта ишлаш саноатида у сарғиш ва кулранг кукун таркибида ҳавога ёйилади. Бир мисқол фтор кукун тупроққа ўтирдими, у ердан чувалчанг ва бошқа тупроқ хайвонлари узоқлашади. Ипак қурти ҳатто фтор хидини сезгандаёқ дарҳол ўлади. Мутахассисларнинг фикрича, бир тонна бирламчи алюминий ишлаб чиқариш учун 33-47 кг фтор сарф қилинади ва ундан 65%га яқин водород фторид атмосферага тарқалади. Бир қарашда бу эътиборга арзимайдиган нарсдай. Аммо тома-тома кўл бўлур деганларидек 1989 йилда завод 460 минг тонна маҳсулот - электролиз ишлаб чиқарган. Демакки, ўша йилнинг ўзида заводдан 500 тоннага яқин водород фторид кукунини атмосферага чиқарган. 2009-2010 йилларда олиб борилган текширув хулосаларига кўра Денов, Узун ва Сариосиё туманларидаги водород фторидининг концентрацияси ҳаво ва тупроқда меъёрига нисбатан 10-20 маротаба кўп бўлган. Яъни, бу биз истеъмол қилаётган озиқ-овкатларга ўз таъсирини ўтказди, деган гапдир.

Жумладан, тупроқда 2,7%, пиёзда 29,6%, сутда 14,9%, картошкада 21%, қатикда 15%, сабзида 22,8%, буғдойда 5,5%, олмада 23 фоиз водород фторид бирикмалари борлиги аниқланди. Бу рақамлар йил сайин ортиб бормоқда ва бугунги кунда Узун, Сариосиё ва Денов туманларида экологик ҳолатнинг ниҳоятда оғир эканлигини кўриб турибмиз. Тупроқнинг ифлосланиш даражаси 16 балл, сув ҳавзасининг заҳарланиши 30 балл, атмосфера ҳавосининг заҳарланиши 31 балл, ичимлик сувининг сифат даражаси 26 баллни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар Сариосиё, Денов, Узун туманлари тупроғи, иқлими ва истеъмол маҳсулотларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини кўрсатади ва бу ҳудудда ҳаёт кечириш жуда хавфли эканлигани ёддан чиқармаслик керак. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети, вилоят гидрометеорология бошқармаси, вилоят давлат санитария эпидемиология назорати ва Сариосиё туманлараро “Табиатни кузатиш” мониторинги маркази ходимлари ўтган 2009-2010 йилларнинг август ойларида Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой туманларида иш олиб бордилар. Тахлил натижалари ўрганилганда, вилоят шимолий туманларининг атмосфера ҳавосида водород фториди миқдорининг анча ошганлиги маълум бўлди. ТожАЗ Сурхондарё халқига ўнгланиб бўлмас даражада зиён етказмоқда. Шу ўринда айрим далилларни келтириш ўринли. Сариосиё туманининг Сўфиён, Дашнобод, Сариосиё, Бобур, Охунбобоев ҳудудлари, Узун туманининг Б.Омонов, Эшмирзаев, Гулистон ва Ж.Пирназаров номли сувдан фойдаланиш уюшмасидаги аҳолига ТожАЗ нинг ўта ёмон таъсири кузатилган. Чунки бу аҳоли марказлари асосан кунлик ҳаво оқими йўналишида жойлашган. Тумандаги “Дашнобод” СФУ да фторнинг бир кеча-кундуздаги миқдори белгиланган меъёрдан 1,75 маротаба кўплиги аниқланди. Айниқса, “Сўфиён” СФУ даги заҳарли газ миқдори сезиларли даражада ошганлиги қайд этилган. Яъни, водород фторидининг миқдори бир кеча-кундузда 1,7-2,6 маротабага кўтарилган. Денов тумани ДСЭНМ лабораторияси томонидан атмосфера ҳавосидан чанг, фтор, аммиак, азот оксиди ва углерод оксидларига мўлжаллаб жами- 68 та намуна олинди.

Чангнинг ўртача максимал кўрсаткичи $0,6 \text{ мг/м}^3$, аммиак $0,15 \text{ мг/м}^3$, азот оксиди $0,078 \text{ мг/м}^3$ ва углерод оксиди эса $3,0 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этди. Шу тумандаги Амир Темур СФУ га қарашли Хитоян маҳалласидан водород фториди учун 162 та намуна олиниб таҳлил қилинганда, водород фторидининг бир кеча-кундузлик миқдори белгиланган меъёрдан 1,66-1,70 марта ошганлиги аниқланди. Завод мўриларида ҳар йили 40 минг тонна захарли газ тутунлар ҳавога тарқалади. Шунинг 109 тоннаси водород фторидидир. Қолган 20891 тоннасини олтигугурт ангидриди, азот оксиди, углерод оксиди тақшил этади. Завод тоғ этагида жойлашганлиги сабабли кунлик ҳаво оқими Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой ҳамда Шўрчи туманлари томон ёйилади. Бу захарли газларнинг асосий миқдори, табиийки, шу ҳудудларга тўғри келади. Унинг тарқалиш радиуси эса тоғдан эсадиган шамолнинг тезлигига боғлиқ. Агар шамолнинг тезлиги ортадиган бўлса, унда бу захар ҳатто Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларигача етиб боради ва унинг таъсиридан барча тирик мавжудот зиён кўради. Бу захарли моддалар ўсимликларга, ҳайвонот дунёси ҳамда инсон организмига жуда катта салбий таъсир кўрсатиб, ўндан ортиқ турли касалликларни келтириб чиқаради.

Кузатишимиз шуни кўрсатдики, кейинги йилларда, айниқса, шимолий туманларда дарахт барглари бемаврид хазон бўла бошлади. Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманлари аҳолиси бир неча йиллардан буён, ўрик, шафтоли, хурмо емай қўйдилар. Уларнинг боғларидаги бу ноёб дарахтлар ҳосил бермай қўйди. Сурхондарёнинг шимолий зонасидаги ёввойи ва маданий ўсимликлар ҳосилдорлиги анча пасайиб кетганлиги аниқланди. Узун, Сариосиё, Денов туманларидаги чорва моллари қўй, эчки, от ва сигирларнинг баъзиларини тишлари тўкилиб кетган, сигир сутининг таъми бузилган, гўштларнинг сифати паст, водород фториди таъсирида суяклари мўртлашиб қолган, моллар ўз тана оғирлигини кўтариб туролмайдилар. Кўпчилик чорва молларининг тишлари тўкилиб кетганлиги сабабли, моллар овқатлана олмай нобуд бўлмоқдалар. Тожикистон алюминий заводининг таъсири туфайли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида экологик муҳит фожеали тус олган. Алюминий заводи таъсир қиладиган ҳудудда 600 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу майдонда яшовчи аҳоли томонидан тушаётган шикоятлар сони йилдан-йилга ортиб бораёпти. Қуйида Сариосиё ва Узун туманлари мисолида водород фториди ва бошқа захарли газлар туфайли келиб чиққаётган касалликлар тўғрисида фикр юритамиз.

Эндемик флюороз касаллиги ҳаво ва сув таркибида фтор миқдорининг ошиши оқибатида она ҳомиласи даврида тиш куртакларининг зарарланиши оқибатида пайдо бўладиган касалликдир. Касаллик тиш чиқмасдан олдин бошланиб, тиш чиқиши билан тишда нуқсонлар пайдо бўла бошлайди. Алюминий заводининг таъсири, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларга кўпроқ зиён келтириб, улар орасида экстрогенитал (жинсий органлар доирасидан ташқарида бўлган) касалликларнинг ошиб боришига олиб келмоқда. Аниқланган касалликларнинг асосий қисми камқонлик билан оғриганлар

74,6%, эндокрин касалликлари билан – 5,5%, буйрак 5,2%, ошқозон-ичак 4,6% ва бошқа касалликларга чалиниш эса 5,9% ни ташкил этган.

Мустақиллик даврининг илк йиллари Тожикистон Республикасидаги беқарорлик, иқтисодий танглик ва парокандалик авжига чиққанда завод 3-4 йил ярим қувват билан ишлади. Шу вақт ичида Ўзбекистон чегарасига яқин туманлардан бош олиб кетган қалдирғочлар яна юртимизга қайта бошладилар. Йўқолиб кетган арилар, типратиконлар пайдо бўлишди. Ўрик, Дашнабод анори-ю тоқлар, хурмолар қайтадан жонланди. Одамларни бўғадиган тахир ҳид, сарғиш сўлак тарк эта бошлади. Кўнгиллар равшанлашгандай бўлди. Эл-улус қалбида табиат, атроф-муҳит даҳлсизлигига нисбатан, сиҳат-саломатлик, ҳаёт ва эртанги кунга ишонч уйғонди. “Энди заводда алюминий эмас рангли телевизорлар ва велосипедлар ишлаб чиқарилаётган экан”, деган умидбахш “миш-миш”лар тарқалди. Минг афсуски, булар фақат вақтинчалик умидбахш лаҳзалар эди. Буни қарангки, бутун дунёни “дўлпортўра” бошқаради, деб ўйлаган кучларнинг емиши тугаб, уйқуда ётган алюминий аждарҳосини жонжаҳдлари билан яна тирилтирдилар. Табиат ва атроф муҳит бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини эътироф этадиган бўлсак, улар бир бутун тирик мавжудотлигини тушуниб етамиз. Инсон ҳам шулар таркибига киради ва унинг азалий ажралмас бўлаги ҳисобланади. Инсон бир умр кулликда яшай олмагани каби, она-табиатни ҳам кулдек ишлатиш, ундан фойдаланиш асло мумкин эмас. Шунинг учун Она табиатга эҳтиёт бўлиб, авайлаб, ардоқлаб муомала қилишимиз зарур ва табиат қонуниятларига риоя қилишимиз, сирасорларини билишимиз, ўрганишимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунинг аксини қилсак эса у албатса биздан қасос олади. Тупроқ - одамлар ўйлаганидек оёқ босиб-юрадиган механик таянч нуқта эмас, балки инсонлар учун кеча-кундуз тинимсиз меҳнат қилаётган миллионлаб замбуруғлар, бактериялар яшайдиган ҳаёт манбаи ҳамдир. Уларнинг меҳнати туфайли, тупроқнинг ҳосилдорлиги ошади, сифати яхшиланиб, соғломлашади. Инсоннинг умргузаронлиги учун кўплаб фойдали моддалар ишлаб чиқаради.

Экологик тарбия ёшларга комплекс тарбия беришнинг муҳим шакллари билан бири саналади. Атроф-муҳит, унда ҳаёт кечириётган инсонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси йилдан-йилга заҳарланиб бормоқда. Муҳитнинг таъсирида касалланган одамлар сони эса йилдан-йилга ортаёпти. Аҳолимиз эса экологик тарбия ғоялари билан тўлиқ қуролланишни ўйламаётдилар. Қачонки биз бу ҳақда қайғурсакгина, ана шунда инсонлар табиатни, атроф-муҳитни, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини севиб, уларни асраб-авайлаб ва ғамхўр бўлиб яшайди. Экологик тарбия тирик мавжудотларнинг тана тузилишини, биосферани ва атроф-муҳитни билиш билан боғлиқдир. Элимизга атроф-муҳит, микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар билан органик боғланиб кетганлигини тушунтиришимиз керак.

**Термиз туман Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи
директори Ўқув ишлари бўйича ўринбосари
Турсунов Анвар Сайфуллоевич.**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТ ВА УНИ ТАҲЛИЛИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудудида экологик таълим тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга ишлар амалга оширилиб, мамлакатимиз жаҳонда экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган дастурларни ишлаб чиқди. Ўзбекистоннинг Орол бўйи минтақасидаги ва Сурхон воҳаси шимолий ҳудудларининг экологик бўҳронлар муаммоларини ҳал этиш масаласида сезиларли ижобий ишлар бажарилди. Чунки, Орол денгизига қуйиладиган Амударё ва Сирдарё ҳудудида 66 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Орол денгизи ўзига хос йирик ёпиқ сув ҳавзаси бўлиб, унинг дастлаб майдони 70^2 минг км.га тенг бўлиб, сув сиғим ҳажми 1080^3 километрни ташкил этган, ёки 1960 йилларда ўртача Орол бўйидаги сув ҳавзаларда 35 минг тонна балиқ тутилиб, деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд бўлган. Мустабид тузум даврида экологик оқибталарини ўйламасдан амалга оширилган гидротехник ва ирригацион қурилишларни амалга ошириш натижасида 1960-2010 йилларда Орол денгизи ва қўшиладиган дарё сувлари ҳажми 4,5 бараварга қисқариб, Орол денгизи юзаси 8 мартага камайди. Шунингдек, Орол денгизининг сув сатҳи чуқурлиги 53,4 метрдан 29 метрга пасайиб, денгиз сувининг шўрланиш даражаси 25 мартага ортиб минераллашув жараёни дунё океанларига нисбаттан 11 бараварга кўпайди. Энг ачинарлиси экологик оқибат туфайли табиатнинг энг ноёб жонзотлари ҳисобланган қулонлар, касбий йўлбарслари, ғизоллар, Осиё гепарти, умуман Орол денгизи ва унинг ҳавзаларидаги ҳудуддаги 12 турдаги сут эмизувчи, пушти сақоқуш, сариқ қарқара, чурак каби 26 турдаги қуш, 11 турдаги ўсимликлар бутунлай йўқ бўлиш хавфига тушди. Экологик оқибатларнинг оғир салбий таъсири натижасида қуриб бораётган денгиз атрофида оролқум саҳроси пайдо бўлиб, 5 ярим миллион гектардаги ердан 100 миллион тонна кум ва захарли тузлар атмосферага тарқалиб, экологик оқибатларни янада оғирлашга олиб келмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, экологик ҳолатнинг салбий оқибатлари Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудудлари ҳисобланган Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Жарқўрғон туманларида ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Тожикистон алюминий заводининг таъсири туфайли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида экологик муҳит фожеали тус олган. Алюминий заводи таъсир қиладиган ҳудудда 600 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу майдонда яшовчи аҳоли томонидан тушаётган шикоятлар сони йилдан-йилга ортиб бораёпти. Қуйида Сариосиё ва Узун туманлари мисолида водород фториди ва бошқа захарли газлар туфайли келиб чиққаётган касалликлар тўғрисида фикр юритамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ саммитида сўзлаган нутқида минг йиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисида фикр юритиб, экологияни муҳофаза қилиш ва атроф муҳитни асраб-авайлаш масаласига тўхталиб, Орол фожеасини олдини олиш, Амударё ва Сирдарё

сувларини тежаш, табиатни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида тўхталди. Сурхон воҳасига фожеали таъсир кўрсатаётган Тожикистондаги Алюминий заводидан чиқаётган захарли фтор газини тарқалишини олдини олиш муҳим масалалардан бири эканлиги, ҳозирги кунда жаҳон жамоатчилиги диққатида турибди. Шу туфайли 2010 йил 16-17 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлаётган “Трансграничные экологические проблемы Центральной Азии: применение международных правовых механизмов для их решения” (Марказий Осиёда Трансчегара экологик муаммолари: уни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизми ва уни бартараф этиш вазибалари) мавзусида халқаро анжуман ташкил этилиб, анжуманда Алюминий заводи томонидан тарқатилаётган захарли газларни бартараф этиш масалалари ҳал этилади.

Бизга маълумки, Сурхондарё вилоятининг умумий ер майдони 20,8 минг км² бўлиб, аҳолиси 2.3 млн кишидан ортиқ. Вилоятда 13 та туман, 8 та шаҳар, 114 та қишлоқ-қуқаролар йиғини, 847 та қишлоқ, 627 та маҳалла мавжуд.

Сурхон воҳасида 4500 турга яқин ноёб ўсимликлар, 15677 турдаги хилма-хил ҳайвонлар ҳаёт кечиради. Булардан ташқари Сурхондарё ўлкасида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг кўламда ривожлантириш ҳамда аҳолининг табиат ноз-неъматларидан тўла фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятлар бор.

Бугунги кунда ТожаЗ Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан 10 км узоқликда бўлиб, Турсунзода шаҳри ҳудудида жойлашган. Алюминий заводи 1975 йилда ишга туширилган бўлиб, технологияси кучли қуйдирилган анодлар билан ишлайдиган электролизерлар ёрдамида фаолият кўрсатади. Қуввати эса йилига 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар водород фториди, олтингугурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксиди ва бошқа захарли моддалардан иборат. Бирламчи алюминий ашёсини ҳосил қилиш жараёнида заводда тегишли бирикмаларга фтор моддаси аралаштирилади.

Фтор- гологенлар гуруҳига кирадиган ўта актив модда. Табиатда эркин ҳолда учрамайди. Жуда кўп элементлар билан тезда бирикма ҳосил қилади. Фтор актив оксидловчи модда- кислородни тез сиқиб чиқаради. Фтор меъёрдан ортиши билан катта салбий таъсир кўрсатади. Оч сариқ тусли, ҳиди бадбўй. Захарли газ. Қайта ишлаш саноатида у сарғиш ва қуланг қуқун таркибида ҳавога ёйилади. Бир мисқол фтор қуқуни тупроққа ўтирдими, у ердан қувалчанг ва бошқа тупроқ ҳайвонлари узоқлашади. Ипак қурти ҳатто фтор ҳидини сезгандаёқ дарҳол ўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, бир тонна бирламчи алюминий ишлаб чиқариш учун 33-47 кг фтор сарф қилинади ва ундан 65%га яқин водород фторид атмосферага тарқалади. Бир қарашда бу эътиборга арзимайдиган нарсдай. Аммо тома-тома кўл бўлур деганларидек 1989 йилда завод 460 минг тонна маҳсулот - электролиз ишлаб чиқарган. Демакки, ўша йилнинг ўзида заводдан 500 тоннага яқин водород фторид қуқунини атмосферага чиқарган. 1990-йилларида олиб борилган текширув ҳулосаларига кўра Денов, Узун ва Сарийе туманларидаги водород фторидининг концентрацияси ҳаво

ва тупроқда меъёрига нисбатан 10-20 маротаба кўп бўлган. Яъни, бу биз истеъмол қилаётган озиқ-овкатларга ўз таъсирини ўтказди, деган гапдир.

Жумладан, тупроқда 2,7%, пиезда 29,6%, сутда 14,9%, картошкада 21%, катикда 15%, сабзида 22,8%, буғдойда 5,5%, олмада 23 фоиз водород фторид бирикмалари борлиги аниқланди. Бу рақамлар йил сайин ортиб бормоқда ва бугунги кунда Узун, Сариосиё ва Денов туманларида экологик ҳолатнинг ниҳоятда оғир эканлигини кўриб турибмиз. Тупроқнинг ифлосланиш даражаси 16 балл, сув ҳавзасининг заҳарланиши 30 балл, атмосфера ҳавосининг заҳарланиши 31 балл, ичимлик сувининг сифат даражаси 26 баллни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар Сариосиё, Денов, Узун туманлари тупроғи, иқлими ва истеъмол маҳсулотларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини кўрсатади ва бу ҳудудда ҳаёт кечириш жуда хавфли эканлигани ёддан чиқармаслик керак.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети, вилоят гидрометеорология бошқармаси, вилоят давлат санитария эпидемиология назорати ва Сариосиё туманлараро “Табиатни кузатиш” мониторинги маркази ходимлари ўтган 2009-2010 йилларнинг август ойларида Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой туманларида иш олиб бордилар. Таҳлил натижалари ўрганилганда, вилоят шимолий туманларининг атмосфера ҳавосида водород фториди микдорининг анча ошганлиги маълум бўлди.

ТожаЗ Сурхондарё халқига ўнгланиб бўлмас даражада зиён етказмоқда. Шу ўринда айрим далилларни келтириш ўринли. Сариосиё туманининг Сўфиён, Дашнобод, Сариосиё, Бобур, Охунбобоев ширкат уюшмаси ҳудудлари, Узун туманининг Б.Омонов, Эшмирзаев, Гулисгон ва Ж.Пирназаров номли жамоа хўжаликларидаги аҳолига ТожаЗ нинг ўта ёмон таъсири кузатилган. Чунки бу аҳоли пунктлари асосан кунлик ҳаво оқими йўналишида жойлашган

Завод мўриларидан ҳар йили 40 минг тонна заҳарли газ тутунлар ҳавога тарқалади. Шунинг 109 тоннаси водород фторидидир. Қолган 20891 тоннасини олтигугурт ангидриди, азот оксиди, углерод оксиди такшил этади. Завод тоғ этагида жойлашганлиги сабабли кунлик ҳаво оқими Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой ҳамда Шўрчи туманлари томон ёйилади. Бу заҳарли газларнинг асосий микдори, табиийки, шу ҳудудларга тўғри келади. Унинг тарқалиш радиуси эса тоғдан эсадиган шамолнинг тезлигига боғлиқ. Агар шамолнинг тезлиги ортадиган бўлса, унда бу заҳар ҳатто Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларигача етиб боради ва унинг таъсиридан барча тирик мавжудот зиён кўради. Бу заҳарли моддалар ўсимликларга, ҳайвонот дунёси ҳамда инсон организмга жуда катта салбий таъсир кўрсатиб, ўндан ортик турли касалликларни келтириб чиқаради.

Кузатишимиз шуни кўрсатдики, кейинги йилларда, айниқса, шимолий туманларда дарахт барглари бемаврид хазон бўла бошлади. Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманлари аҳолиси бир неча йиллардан буён, ўрик, шафтоли, хурмо емай қўйдилар. Уларнинг боғларидаги бу ноёб дарахтлар ҳосил бермай қўйди. Сурхондарёнинг шимолий зонасидаги ёввойи ва маданий ўсимликлар ҳосилдорлиги анча пасайиб кетганлиги аниқланди.

Алюминий заводидан тарқалаётган чиқинди газлар вилоят чорвачилигига катта зарар етказмоқда. Биргина Сариосиё туманида 1992-2005 йиллар қорамоллар туёқ сони камайиб, хусусан 1992 йилда 8708 бош бўлса, 2005 йилга келиб 3912 бошга тушиб қолди. Гўшт маҳсулотлари 1992 йилда 4117 тонна бўлса, 2005 йилга келиб 680 тоннагача камайди. Бу ҳол шу тарзда давом этаверса, келажакда туман чорвачилигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Узун, Сариосиё, Денов туманларидаги чорва моллари кўй, эчки, от ва сигирларнинг баъзиларини тишлари тўкилиб кетган, сигир сутининг таъми бузилган, гўштларнинг сифати паст, водород фториди таъсирида суяклари мўртлашиб қолган, моллар ўз тана оғирлигини кўтариб туролмайдилар. Кўпчилик чорва молларининг тишлари тўкилиб кетганлиги сабабли, моллар овқатлана олмай нобуд бўлмоқдалар.

Тўл олинадиган чорва молларининг кўпчилиги ногирон, жисмонан заиф бола туғмоқда ёки бола ташламоқда. Уларнинг болалари кўпи билан 15-25 кун яшаб ўлиб қолишмоқда. Ёш молларнинг кўпчилиги пуштсизлик балосига чалинган. Мана шунинг ўзи чорвачилигимизнинг ривожига катта зарба бўляпти. Молларнинг овқат ҳазм қилиш органлари, буйрак, ўпка ва жигари касалланиб, ҳолдан тойиб нобуд бўлмоқда. Аҳвол шундайлигача давом этса, вилоят шимолида мавжуд чорвани қўлдан бой бериш эҳтимоли бор. Бу эса ўта ачинарли ҳол.

**Термиз давлат университети “Жаҳон тарихи ва манбашунослик”
кафедраси мудири т.ф.д профессор Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич**

Экологик назорат ҳар бир фуқаронинг бурчи ва маъсулиятидир

Ўзбекистон Республикасининг Экологик назорат тўғрисидаги қонуни 4-боб ва 34 моддадан иборат бўлиб унинг асосий мақсади Экологик назоратдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонунни асосий тушунчаси-табиатни муҳофаза қилишга доир ҳужжатлар талабларининг бузилишини олини олиш, аниқлаш ва бартараф қилишга қаратилгандир. Шу мақсадда табиатни муҳофаза қилиш асосида экологик субъектларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва кўпайтириш учун давлат дастурларни ишлаб чиқишга оид тадбирларни шз ичига олган.

Ушбу қонун жамиятнинг ҳар фуқорасини табиатни асраш ва экологик ҳимоя қилишга иштирок этиш маданиятни юксалтириш, табиий ресурсларни келажак авлодга муносиб тўхфа этиш учун виждонан, қалбан ҳамда ақл ва қул меҳнатини жалб қилишга даъват қилади. Экологик назорат тўғрисидаги қонуннинг мазмун ва моҳиятга эътибор берилса Давлат, идора, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик ўртасидаги ўзара ҳамжиҳатлик асосида қонун ижросини таъминлаш, ҳамкорликда иш олиб бориш туфайли экологик назоратни амалга ошириш, ўзара ҳамкорликсиз экологик назоратни амалга ошириш мумкин эмаслиги алоҳида қайд этилгандир. Қонун жаҳоннинг ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан бирга миллий урф-одатлар, анъанларга, маросимларга энг муҳими миллий менталитетни ҳисобга олиб табиатни асрашга оид аждодлармиз амал қилган қонунларга, ҳолислик, ҳалолик, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга таллуқли тажрибаларга таянилган ҳолда шакллантирилган. Мустақиллик йилларда мамлакатимизда Экологик назоратга оид қабул қилинган қонунларга, амалга оширилган тадбирларга, унинг натижаларга ҳамда Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг БМТ ва Халққаро нуфузли ташкилот минбарларида қайд этган маърузалари, таклифлари, қабул қилинган ҳамкорликдаги шартномаларга асосланиб ушбу қонун ҳаётда амалда қўлланилмоқда.

Қонунда қайд этилган экологик назоратга оид объектлар мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ёшларни барқомол тарбиялаш, улар учун шарт-шароитлар яратиш билан бевосита боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланган. Экологик назоратнинг давлат сиёсатининг асосий йўналишлари даражасига кўтарилишининг сабаби мамлакат аҳолисининг соғлигини сақлаш, турли хил аллергия, туғма нуқсонли касаликлар, ёш болалар ўртасида ногиронликликни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳамда табиатни экологик жиҳатдан бузилиш жараёнларда яққол кўринаётган салбий ҳолатларни олдини олиш ва экологик ҳимоя қилиш, табиий бойликларни асраш ҳамда сақлаш долзарб масалага айланаётганлиги қонунда ўз аксини топган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қонунда қайд этилган моддаларда давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маъсулият ҳақида батафсил тушунчалар берилган.

Амалда ҳаракатда бўлгаётган ушбу қонунда Махсус ваколатли давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик назорат соҳасидаги бурчлари, вазифалари, жамият фуқаролари ва давлат олдидаги маъсулиятлари ҳамда қонун олдидаги жавобгарлиги тушунтириб берилган. Экологик назорат жамоатчи инспектори, экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг усуллари ва расмийлаштириш ҳақидаги қонунини тақдим этишда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари томонидан қабул қилинган Экологик назорат тўғрисидаги тажрибалардан келиб чиқиб, малакатимиздаги аҳолининг ўзора азалий қадимдан мавжуд бўлган табиатни экологик ҳимоя қилишга бўлган муносабатлардаги маънавий-ахлоқий ҳаёт тажрибалари ҳам ҳисобга олингандир. Қонунда экологик назорат натижаларини амалга оширишда фуқароларни бурчлари, маъсулияти, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлиги, жисмоний шахсларни мол - мулкни экологик ҳимоя қилиш, мансабдор шахсларни давлат, жамият ва табиат олдидаги жавобгарлиги ҳақида батафсил тушунчалар берилган.

Шунингдек, ушбу қонунда экологик таълим - тарбия ва уни мактаб, академик лицей, касб –ҳунар коллежлар, Олий таълимдаги аҳамияти алоҳида берилиб, ҳозирга Ёш баркомол авлодга Экологик назорат нима мақсадда давлат сиёсатида айланганлиги ҳақида тушунчалар қайд этилган. Ёшларга ушбу қонуни ўрганишнинг аҳамияти ва маъсулиятининг қонуний асосларни, ёшларни бурчлари, мажбуриятлари, вазифалар ҳамда экологик назоратдаги иштироки қайд этиган. Иккинчидан давлат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларни иштироки ҳақида уларни бурчлари маъсулияти, вазифалари, жавобгарлиги ҳақида тушунчалар қайд этилган. Қонунда фуқароларни бевосита фаолиятига таъсир этувчи, уларни фаоллигини ошириувчи Маҳалла институти, маҳалла бошқаруви, Камолат ва бошқа Ёшлар ташкилоти, Нодавлат, нотижорат жамоатчилик ташкилотларнинг Экологик назорат тўғрисидаги қонунга муносабати, маъсулияти, вазифалари, жавобгарлиги ҳақида кенгроқ маълумот қонунда ўз аксини топган. Учинчидан Экологик назорат тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон ҳудудидаги Экологик назоратга хавф солувчи омилларни келтириб чиқарадиган трансчегаравий масалалар, қўшни мамлакатлар билан тузиладиган Экологик хавфни олдини олиш борасидаги келушувлар, шартномалар, ўзаро экологик хавфни бартараф этиш масаласидаги таклифлар ҳақидаги қонунни киритилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Тўртинчидан қонунда малакатимизнинг асосий сектори ҳисобланган қишлоқ хужалиги, унинг асосий тармоқлари бўлган фермер хўжаликлари томонидан ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш ҳамда жаҳон андозалари асосида сақлаш, хусусий тадбиркорларни Экологик назорат қонунларига амал қилиш уни жавобгарлигини ҳис этиш маъсулияти ҳақида тушунчалар берилган. Чунки, Экологик муҳитни ҳимоя қилиш жараёнидаги ноқонуний ҳолатларни кузатганда, ушбу Экологик назоратга қонуний амал қилмаслик ҳолатлари асосан ушбу соҳада юз беаётганлиги кузатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Экологик назорат тўғрисидаги ушбу қонун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимиз фуқароларнинг Экологик

саводхонлигини ва маданиятни янада юксалтириш, фуқароларни Экологик назоратни тўғрисидаги қонунларга амал қилиб, мамлакатимизнинг ер ости ва ер усти миллий бойликларни қонуний ҳимоя қилиш ҳамда Экологик қонунларни моҳиятини тўлиқ тушуниб етиб, ушбу соҳада йўл қўйилган хато камчиликларни натижаси ва уни қонуний жавобгарлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

**Термиз давлат университети “Жаҳон тарихи ва манбашунослик”
кафедраси мудири т.ф.д профессор Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич**

**Маънавий дунёқаришнинг шаклланишда —матбуотнинг
аҳамияти**

**ТерДУ Турон фанлар академияси академиги, т.ф.д. профессор
Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич.**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок матбуот соҳасига давлат даражасида эътибор берилиб, жиддий ислохотлар ўтказилиб, жамиятни демократлаштириш. айти пайтда давлат олдида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, эркинлаштиришдек мураккаб ва оғир вазифани кўяди. Оммавий ахборот воситаси ўзининг олдида қўйган вазифасини белгиланган тартибда бажармай, жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан тўғри, ҳаққоний баҳони бермас экан, халқ ва ҳокимият ўртасида чин маънодаги воситачи вазифасини бажармас экан, у ҳеч қачон мажозий маънода бўлса-да тўртинчи ҳокимият мақомига эга бўла олмайди. Сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, боғлаб турувчи, улар орасидаги шаффофликни таъминлаб берувчи бирдан-бир восита ҳам — бу оммавий ахборот воситаларидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давридан бошлаб оммавий ахборот воситаларига тўртинчи ҳокимият даражасида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Жамият ҳар қанча ривожланмасин жамоатчилик билан алоқа қилишнинг энг таъсирчан воситаси — матбуот, радио, телевидение ва интернет бўлиб қолаверади. Уларнинг фаолият кўлами жуда кенг, лекин энг асосий вазифаси хабар ва маълумот етказиб туриш, бирор воқеа-ҳодисани ёритиб, одамларни дунёдаги янгиликлардан воқиф қилишдир.

Оммавий ахборот воситалари ҳаётнинг бирор жабҳасини ўз “ойна”сида акс эттиради, зарур далил ва исботларни эълон қилади. Бироқ, кўпинча бирор масала ёки муаммонинг ҳал бўлишига аралашмайди ёки ўз ҳукмини чиқармайди. Унинг вазифаси — шу масала тўғрисидаги барча ахборот ва маълумотларни тўлиқ баён этишдир. Бундан, албатта, давлат сирлари мустасно. Оммавий ахборот воситалари турларининг таснифи кўра 5 та асосий турга бўлиниб, бунга матбуот (газета, журнал, ахборотномалар ва бошқалар), радио, телевидение, ахборот агентликлари, шунингдек, интернет сайтлари кирази.

Шунингдек, радио, телевидение ва матбуот ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, уч хил саволга жавоб беради ва воқеа-ҳодисаларни ёритишда шунга мувофиқ тарзда ёндашади. Радио «нима?», «нима юз берди?» каби саволларга жавоб берса, телевидение «қандай қилиб?», «радио хабар берган воқеа қандай юз берди?» каби саволларга жавоб беради. Матбуот «нима учун?», «радио хабар берган ва телевидение кўрсатган воқеа нима учун юз берди?» каби саволларга жавоб беради. Бугун кўпчилиكنинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган, тўғрироғи, оммавий ахборотнинг ўзига хос воситаси сифатида намоён бўлаётган интернет веб-сайтлари қолган турларга қараганда тезкорлиги ва имкониятлари кенглиги билан ажралиб туради. Интернет “қаерда?” — “телевидение ва матбуотда ёритилган воқеа қачон, қаерда, қандай юз берди?” деган саволларга жавоб беради. Асосий ахборот воситалари ўртасидаги меҳнат тақсимооти ана шундай кўринишга эга.

Ана шундай бир-бирини тўлдирувчи жавобларга суянган ҳолдагина, ҳақиқатда нима содир бўлганлиги тўғрисидаги тўлиқ ахборотга эга бўлиш мумкин. **Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, газета ахборотни узатишда оперативлик бўйича радиодан устун эмас, телевидение ҳам бу соҳада радионинг олдида туша олмайди.** Шунинг учун, одатда, радио қисқа шаклда бўлса ҳам юз берган воқеа тўғрисида биринчи бўлиб хабар беради. Ундан қанчадир вақт ўтиб телевидение мазкур воқеанинг айнан қандай юз берганини намоиш этади. Фақат келаси куни, баъзида эса ундан ҳам кечроқ, ўқувчи газета олади ва нима учун айнан шу воқеа юз берганини мантиқан изохлаб берувчи мақолани ўқийди. **Таҳлил қилиш — матбуотнинг асосий устунлигидир.** Агар телевидение “барча” учун ишлаётган бўлса, радио “ялқов ва шошқалоқлар” учун, газета эса энг “ақллилар” учун ёки ўзини шундай кўришни истовчилар учун мўлжалланган, газетани эса кўп ҳолларда олий маълумотли кишилар доимий ўқийдилар. Шундай бўлса-да, газетанинг имконияти баъзи камчиликлардан холи эмас, ҳар қандай газета эмоционал таъсир кўрсатиш соҳасида радио ва телевидениедан устун эмас.

Матбуот бошқа бир қатор устунликларга эга. Матбуотда айтилган сўзга қайта мурожаат этиш, унинг устида ўйлаб кўриш мумкин. Газетани дўстларга ва танишларга ўқишга бериш, ўқилганларни биргаликда муҳокама қилиш, газетадан қирқиб олинган материаллардан тўплам яратиш мумкин. **Газетанинг яна муҳим ютуқларидан бири — обуна йўли билан ўзининг доимий аудиториясига эга бўлади. Бу эса матбуотнинг «ўз» аудиториясига доимий таъсир кўрсатишини таъминлайди.**

Демак, матбуот оперативлик ва эмоционаллиги жиҳатидан бошқа соҳалардан ортда қолса-да, таҳлил қилиш бўйича қолганларидан устунликка эгадир. Бу эса аудитория онгига ишончли ва чуқур таъсир кўрсатишга имкон беради. Теле ва радио ахборотлар эътиборни тезда тортади, бироқ тезда унутилади. **Газета ёритган мақола эса хотирада узоқ муддатга сақланиб қолади.**

Оммавий ахборот воситалари ўз табиатига кўра жамиятнинг барча қатламлари учун эркин мулоқот минбари ва айни пайтда ижтимоий фикрни ифодаловчи восита ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни 7-моддаси «Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш» деб аталган бўлиб, бу ўз навбатида, демократик институтларнинг жамиятдаги фаоллашувига йўл очади.

Бугун давлатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситасини демократик институт сифатида такомиллашиб бораётгани эътиборга сазовордир. Фуқаролик жамиятида давлат органлари ва фуқаролик институтларининг демократиклиги, сиёсий тизимнинг барқарорлиги, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг нечоғлиқ амалга оширилаётгани, миллий менталитет ва бошқа ижтимоий долзарб масалаларнинг матбуотда тўлиқ акс этиши орқали ижтимоий фикр шаклланади. Ҳозир мамлакатимизда мавжуд демократик институтларнинг

хуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида “даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд теле-радио, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотидир” деб кўрсатилган. Бугун ана шу маҳсулот биз юқорида санаб ўтган оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказиб берилмоқда.

Матбуотнинг тақдирини эълон қилинаётган маълумотларнинг ҳолислиги, изчиллиги, қонунийлиги, мантикий мушоҳадага эга эканлиги, ҳақиқатга мослиги, миллий менталитетга боғлиқлиги, урф-одатларни, анъаналарни, маросимларни ҳурмат қилиши, шахсий ва инсоний қадриятларни ҳимоя қилиши ёки ноаниқ, ёлғон, тўхмат, ички ҳиссиётлардан келиб чиқиб уч олиш, инсон кадр қимматни поймол қилиш, миллий низоларни келтириб чиқариш ҳолатларни юзага келтирувчи шошма-шошарлик фикрларга асосланишдир. Ана шундан келиб чиқиб матбуотнинг асосий мезони маънавиятга асосланишидир. Матбуотнинг бевосита фаолияти туфайли мустақиллик йилларида аҳолиси ўртасида «маънавият»нинг моҳиятига ва унинг зоҳирий ва яширин, ички руҳий — томонларини қамраб олган баҳсли мунозарали мақолалар чоп этилмоқда. Матбуотда маънавият йўналишга оид бағишлаб кўплаб мақолларда маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб топиш мақсадида ҳар хил, баъзан эса бири-бирига қарама қарши, ноаниқ саёз жавоб ва фикрлар билдирилмоқда. Мақолалар мазмунида “маънавият” тушунчасига илмий ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунини мужассам этган ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари, эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериб келаётганликларини кўрамиз. Чунки, матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда “маънавият” тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигили манбалар асосида таҳлили қилинганлиги билан ажралиб турмоқда.

Матбуот томонидан давлатимизнинг ички ва ташқий обрӯ-эътиборни оширишда маънавият — инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил эканлигини аҳолига тушунтириб, инсон — табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи, яъни юксак маънавият эгаси бўла олишини назарда тутувчи маънавиятли мақолалар билан хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида матбуотнинг бевосита таъсирида кенг қиррали мавзуда моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озуқа ва қудрат бағишлайдиган куч эканлиги тасдиқлайдиган ҳамда фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш — онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотларга ҳослигини ўзида мужассам этган ғоявий масаларни

хаётий воқеаларга бағишлаб мужассам этган мақолалар мунтазам бериб борилмоқда. Матбуотнинг ишончли мақолалари туфайли маънавиятга интилиш эса рух ва онг эгаси бўлмиш одамзодгагина хос фазилат бўлиб, одамнинг ақлий ва руҳий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлиги тушунтирилиб борилмоқда.

Олиб борилган кузатувлар натижасида маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний дунёсига қаратилганлиги билан ажралиб, маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу нарса ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шундай экан, «маънавият» тушунчасига бир йўла мукамал таъриф беришда матбуотга эълон қилинган Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юсак маънавият- енгилмас куч» асарида инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган маънавият ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ўрин тутишлигини уқдириб: **«Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон — эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»** деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга матбуотнинг асос сифатида таянамиз.

Матбуот йўналишда таниқли олимларимиздан А.Эркаевнинг фикрича, «Маънавият — инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир». Шунингдек, М.Имомназаров дастлаб “Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...», - деб ёзган бўлса, кейинчалик «Маънавият — инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, суфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди», - деб баён этади.

Матбуотнинг бевосита фаолияти натижасида маънавиятнинг ўрни ва инсон онгига ижобий таъсири хусусида қўидаги омилларга алоҳида эътибор берилди:

Биринчидан, маънавият жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизми ҳисобланади ва ҳар қандай давлат ўз мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришга устуворлик билан қарайди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида совет мафкурасидан воз кечиш байроғи остида умуман ҳар қандай мафкурага қарши кураш бошланди. Бу ўз навбатида одамларнинг маънавиятига, шаклланган қадриятларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Айниқса, матбуотларда баъзи олимлар, биринчи навбатда иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур, маънавият эса ана шу иқтисодий тафаккур

заминида юзага келади деган фикрларни илгари сура бошладилар. Натижада одамларда шахсий манфаатларга устуворлик беришга хизмат қила бошлади. Бундай салбий жараённинг юзага келиши янги жамият куриш учун хатарли.

Матбуот туфайли маънавият миллатни ва бутун мамлакат аҳолисини маълум мақсадлар сари давлат атрофига уюштирувчи, уларни фаоллаштирувчи, ёрқин келажакка ишонтирувчи, инсон зотини улугловчи, унинг кадрини англатувчи улкан “механизм” эканлиги, бу муҳим “механизм”дан мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш, миллатимизнинг қаддини кўтаришда фойдаланишга бўлган эҳтиёж давлатимиз, энг аввало Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўз вақтида англаб олинганлиги тарғиб қилиб борилди.

Мустақиллик йилларида матбуотнинг энг муҳим хизматларидан бири дин ва унга муносабат, давлат ва диннинг ўзора муносабатлари, динлар ва уларнинг фарқи, мақсад ва вазифалари, жамият ривожига динни ўрни, Ўзбекистон давлатида динлар, уларнинг жамиятдаги иштирокига оид мавзудаги мақолаларни эълон қилиш натижасида аҳоли ўртасида дин ва дин билан боғлиқ муаммоларни ҳолисона ёритиш масаласи бўлди. Чунки Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки кунларидан динни жамиятдаги ўрни, инсон маънавиятига таъсирига оид одилонга сиёсат олиб борганлигини аҳоли матбуот туфайли билиб олмоқда. Ўзбекистондаги барча динлар, жумладан ислом динни миллий маънавиятга ижобий таъсири, инсон онги, дунёқарашидаги фазилатлари, ўзора ибратли инсон маънавиятига таъсир этувчи манбалар матбуотда кенгроқ эълон қилиниб ўзора ҳамжиҳатликка чақириш каби фикр мулоҳазаларни ўз ичига олган мақолалар эълон қилинди. Ўз навбатида динни ниқоб қилиб олган, ундан ўз мақсадлари, диний ақидапарастликка асосланган турли хил купорувчилик, мустақиллик манфаатларга тубдан зид бўлган тарғибот ишларни олиб бораётган, турли хил кўринишдаги Ўзбекистон давлати ва унда тинч осойишта яшаётган миллатлар, элатлар орасида нифоқ чиқаришга ҳаракат қилаётган диний оқимларни бўҳтондан иборат ҳаракатларни фош қилишда матбуотнинг хизматлари беқиёсдир. Айниқса, матбуотнинг бевосита таъсирда сири очиб ташланаётган диний ақидапарастликка асосланган Диний миссиялар ҳамда уларнинг қабих режаларини барбод қилаётган тадбирлар тўғрисида, уларнинг натижалари ҳақида кенг қамровли мақолалар мунтазам бериб борилмоқда. Матбуотда эълон қилинган мақолаларда Диний миссияларнинг мақсади ва моҳияти ҳақида тўхталиб унга кўйидагича таҳлил берилганлигини хулоса қилиб айтиш мумкин, яъни— **диний миссиялар** 1) черков талқинида — элчилик, топшириқларни бажариш, муайян динни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш, 2) миссионерлар қароргоҳи, одатда унинг ҳудудида черков, кичик бутхона ёки масжид, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат жойлашган бўлади. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида иш олиб бораётган кўп сонли миссияларнинг католик черкови ва бошқа христианлик черковлари бор. Мусулмон ташкилотлари ҳам диний миссияга эга.

Матбуотнинг бевосита хизматлари туфайли эълон қилинган мақолаларда миссионерлик асосан христианликка нисбатан ишлатилса-да, кейинчалик бошқа динлардаги тарғибот ишларига нисбатан ҳам бу атама қўлланила бошлади. **Ҳозирги даврдаги** миссионерлик жамиятларидан бири «Шарқдаги нур» («Свет на востоке») миссионерлик иттифоқи бўлиб, у 1974 йилдан бошлаб ўзининг «Дин ва ҳаёт» («Вера и жизнь») номли журналини чиқаради. Мазкур журнал ўқувчиларнинг хайриялари ҳисобидан молиявий таъминланиб, барча хоҳловчиларга юбориб турилади. У йилига олти марта юз минг атрофида нусхада чоп этилади. Бу журнал Россиянинг Матбуот ва ахборот вазирлиги томонидан расман рўйхатдан ўтказилган. «Дин ва ҳаёт» журнали Россиядан ташқари Белорусия, Германия, Латвия, Литва, Молдова, Украина, Қозоғистонда ўзининг марказларига эга.

Бундай миссионерлик жамиятлари ноқонуний хатти-ҳаракатларни Ўзбекистон ҳудудида ҳам яширин таризда олиб боришга ҳаракат қилаётганлиги ҳақидаги уринишлар матбуот туфайли аҳолига эълон қилиниб, ушбу уринишларнинг туб мазмунида мустақилликка, мамлакат ҳафсизлигига қарши, жумладан, аҳоли ўртасида миллий низоларни келтириб чиқаришга қарши қаратилганлигини асословчи мақолалар батафсил бериб борилмоқда. Чунки, бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги қонунан қафолатланган. Ҳар бир фуқаро хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин. Давлат ва диний ташкилотлар бир-биридан ажратилган. Шу билан бирга диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик, тотувлик ва дахлсизликни таъминлаш мақсадида прозелитизм (бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар) ва ҳар қандай миссионерлик фаолияти қонунан ман этилган. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун олдида жавобгарликка тортилиши ҳамда қонунга роия қилмаганларга нисбатан чиқарилган одилона суд қарорлар ҳақидаги маълумотлар матбуотда бериб борилмоқда.

Матбуотнинг муҳим хизматларидан бири дунёда энг асосий муаммосига айланиб бораётган экологик ҳалокат ва уни бартараф этиш масаласида “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган атроф муҳит ноқулай омилларнинг одамлар ва келажак авлод соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олишнинг самарали ҳуқуқий механизмнинг яратишга қаратилган таклиф ва мулоҳазалари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу таклифларни ўзида акс этирган мақолалардаги фикрларда “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойҳаси устидан ишларни изчил давом эттириш мақсадида “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонунларга ўзгартишлар киритиш зарурлиги қайд этилмоқда. Матбуотда таҳлил этилаётган ушбу ўзгартишлар тўғрисидаги таклифлар соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозимлиги долзарб масала эканлиги матбуот орқали аҳолига тушунтирилиб борилмоқда. Энг

муҳим матбуот материалларида **Асосий қонуни**нинг 50- моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, 55- моддасида эса, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир” деб, белгилаб қўйилганлиги тушунтирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ саммитида сўзлаган нутқида минг йиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисида фикр юритиб, экологияни муҳофаза қилиш ва атроф муҳитни асраб-авайлаш масаласига тўхталиб, Орол фожеасини олдини олиш, Амударё ва Сирдарё сувларини тежаш, табиатни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида тўхталди. Сурхон воҳасига фожеали таъсир кўрсатаётган Тожикистондаги Алюминий заводидан чиқаётган захарли фтор газини тарқалишини олдини олиш муҳим масалалардан бири эканлиги, ҳозирги кунда жаҳон жамоатчилиги диққатида турибди. Шу туфайли 2010 йил 16-17 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлаётган “Трансграницнўе экологические проблемы Центральной Азии: применение международных правовых механизмов для их решения” (Марказий Осиёда Трансчегара экологик муаммолари: уни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизми ва уни бартараф этиш вазифалари) мавзусида халқаро анжуман ташкил этилиб, анжуманда Алюминий заводи томонидан тарқатилаётган захарли газларни бартараф этиш масалалари ҳал этилади.

Матбуот манбаларида қайд этилган рақамларга эътибор берилса, Сурхондарё вилоятининг умумий ер майдони 20,8 минг км² бўлиб, аҳолиси 2.2 млн кишидан ортиқ бўлиб, вилоятда 13 та туман, 8 та шаҳар, 114 та қишлоқ-фуқаролар йиғини, 847 та қишлоқ, 627 та маҳалла мавжуд. Сурхон воҳасида 4500 турга яқин ноёб ўсимликлар, 15677 турдаги хилма-хил ҳайвонлар ҳаёт кечиради. Булардан ташқари Сурхондарё ўлкасида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг кўламда ривожлантириш ҳамда аҳолининг табиат ноз-неъматларидан тўла фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятлар бор.

Матбуот маълумотларга таяниб олиб борилган манбаларда экологик муаммоларни салбий таъсир натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудудларида **Эндемик флюороз касаллиги** кенг тарқалиб, бу касаллик ҳаво ва сув таркибида фтор микдорининг ошиши оқибатида она ҳомиласи даврида тиш куртакларининг зарарланиши оқибатида пайдо бўладиган касаллик эканлиги тиббиёт ходимлари томонидан аниқланди. Касаллик тиш чиқмасдан олдин бошланиб, тиш чиқиши билан тишда нуқсонлар пайдо бўла бошлайди. Бугунги кунда вилоят аҳолисида флюороз касаллигининг бешта тури мавжуд.

1. Штрихли формаси. Тишнинг эмал қисмида сарғимтир штрихлар пайдо бўлиши билан характерлидир. Бу тишларнинг юза қисмини кўпроқ зарарлантиради.

2. Доғли формаси. Бу тишнинг ҳамма эмал қисми ҳамда чайнов ва кесув юзаларида доғ пайдо бўлиши билан характерлидир.

3. Оқ рангли олачипор формаси. Тишнинг эмал юзасида чуқур бўлмаган ёриғлар бўлиб, улар айлана ва эллипссимон формада бўлади. Диаметри 1,5 мм, чуқурлиги 0,1-0,3 мм. Туби сарик, ялтироқ, қора сарик рангли тус олиб, эмал қисми тўқ жигар рангда бўлади.

4. Эрозив формаси. Эмал қисмининг емирилиши ва эмал қисмида ҳар хил эрозивлар пайдо бўлади.

5. Деструктив формаси. Бу форма сув таркибида 5 мг/л фторнинг ошиши билан характерланади. Бунда тиш қопламасининг шакл жиҳатдан бузилиши ва тишнинг қоплама қисмлари ўз-ўзидан синади.

Давлат томонидан қанчалик ёрдам берилмасин, касалликнинг олдини олиб бўлмаяпти. 1982 йилдан бери болалар тиш касаллиги сони йилдан-йилга ортиб борапти. Уларнинг тишлари емирилиб кетаяпти. Чақалоқлар мажруҳ, айримларининг оғзи тиртиқ, лаби йўқ ҳолатда туғилмоқда. Бола тишининг чиқиши кечикиб, тиш милклари эса оқариб, илдизи қорайиб кетган. 12 ёшли бола тишларининг 2 таси жағининг ичида, биттаси ташқарида, яъни жағнинг устидан чиққан.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан Она табиатни асраш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида муҳим аҳамиятга эга амалий ишларни бажарилиб, ушбу соҳага оид халқора ҳамда мамлакат миқёсида қонунлар қабул қилиниб, давлат аҳамиятига доир дастурлар ишлаб чиқди. Ватан мустақиллигининг 23- йили давомида Ўзбекистон ҳукумати экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ибратли қонунлар қабул қилиб, жаҳонда экологик хавфсизлик муаммосини бартараф этиш, келгуси авлод тақдирин қонуний ҳимоя қилиш, экологик тоза соғлом муҳитни яратиш мамаласида жиддий таклифлар ва ташаббусларни муҳокама қилиш бўйича халқора анжуман минбарларида ўз фикр ва мулоҳазалари билан иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузилиши ўнглаб бўлмас экологик ҳалокатларга олиб келади.” Матбуотда эълон қилинган манбаларда қайд этилишча, **Сурхон воҳасини бетакрор бойлиги ҳисобланган Бойсун туманидаги Омонхона Хўжанқоота, Сайроб, Хўжайоб, Вандоб, Панжоб. Олтинсойдаги Хўжайпок, Хўжасоат. Шеробод туманидаги Ғуринота ва Пошхурд булоғлари, Сариосиё туманидаги Сангардак шаршараси каби муқаддас жойлар табиатни бебоҳа гавҳари ҳисобланиб, уни асраш, келажак авлод учун сақлаш, табиий муҳитни тозалигига эътибор бериш, давлат қонунларига мос ҳолда тижорат учун ишлаб чиқариш технологияларни йўлга қўйиш масаласида 2013 йилда маълум тадбирлар амалга оширилди. Энг муҳими ушбу шифо масканларида ноқонуний тарзида иш олиб бораётган, мавжуд табиий муҳитни бузаётган, шахсий манфаатлар фойдасига интилаётган баъзи иллатларга қарши қонунчилик доирасида ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.**

Матбуотнинг таъсирчан фаолияти туфайли мустақиллик йилларида жиддий тадбирлар натижасида Ўзбекистон чегарасига яқин туманлардан бош олиб кетган қалдирғочлар яна юртимизга қайта бошладилар. Йўқолиб кетган арилар, типратиконлар пайдо бўлишди. Ўрик, Дашнабод анори-ю тоқлар, хурмолар қайтадан жонланди. Одамларни бўғадиган тахир хид, сарғиш сўлак тарк эта бошлади. Кўнгиллар равшанлашгандай бўлди. Эл-улус қалбида табиат, атроф-муҳит даҳлсизлигига нисбатан, сихат-саломатлик, ҳаёт ва эртанги кунга ишонч уйғонди. Сурхондарёлик ҳар инсон ҳам шулар таркибига киради ва унинг азалий ажралмас бўлаги ҳисобланиб, инсон бир умр қулликда яшай олмагани каби, она-табиатни ҳам қулдек ишлатиш, ундан фойдаланиш асло мумкин эмаслигини ҳар бир онгли одам ўз қалбига жо этмоқда. Мустақиллик ином этган улуғ имкониятлар туфайли матбуот саҳифаларда табиатни асраш, парваришlash, турли хил озуқалар бериш, ҳар хил зараркунандалардан тозалаб туриш, химоя қилиш ва ардоқlash кераклиги аҳолига мунтазам тушунтирилб борилмоқда. Тупроқ - одамлар ўйлаганидек оёқ босиб-юрадиган механик таянч нуқта эмас, балки инсонлар учун кеча-кундуз тинимсиз меҳнат қилаётган миллионлаб замбуруғлар, бактериялар яшайдиган ҳаёт манбаи ҳамдир. Уларнинг меҳнати туфайли, тупроқнинг ҳосилдорлиги ошади, сифати яхшиланиб, соғломлашади. Инсоннинг умргузаронлиги учун кўплаб фойдали моддалар ишлаб чиқаради.

Матбуотнинг бевосита тарғиботи ва эришилган юутуқларни мустаҳкамлаш соҳасидаги илҳомлантирувчи мақолалари туфайли Сурхондарё вилояти ижтимоий – иқтисодий ва маданий соҳада катта ижобий натижаларга эришмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И А Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобда алоҳида таъкидлаганидек; ”Мустақиллик бизга нима беришини билардик. Ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еримиз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. Қисқа вақт ичида мустақилликнинг неъматларини татиб кўрдик”.** Матбуотнинг долзарблиги, унинг ташаббуси, ҳолисона таҳлил туфайли Ўзбекистон мустақиллиги натижасида амалга оширилган улкан ижтимоий-иқтисодий ва маданий –сиёсий тадбирлар туфайли она заминга эгалик қилиш, табиатни экологик муҳофаза қилиш, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз ишлатиш, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имкониятига эга бўлдик.

Бир нарсани унутмаслигимиз керак, давр ўтиши билан ушбу матбуот воситаларининг ҳеч бири ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотмайди. Гарчанд энг сўнгги турлари ўзининг бир неча жиҳатлари билан қолганларидан устунликка эга бўлса-да, уларнинг таъсир доиралари бири-биридан тубдан фарқ қилади. Бу эса ҳар бир оммавий матбуот воситаси турининг нафақат жамиятда, балки жамоатчилик фикрини шакллантиришда ҳам ўз ўрни борлиги ва ўз мавқеини имкон доирасида сақлаб қолишидан далолат беради.